

СЕССИЯДА ТУМАН ҲОКИМИ ҲАЛҚА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Туман ҳокими Б. Ибрагимовнинг 2021 йилда туманни ижтимоий-иктисодий ривожланиш якунларига, келгуси, 2022 йилда туманни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича ҲАЛҚА МУРОЖААТИ тингланди.

Жорий йилнинг 17 декабрь куни ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги олтинчи чақириқ ўттиз тўққизинчى сессияси ўtkазилди.

Сессияда туман сектор раҳбарлари, ҳалқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, туман ҳокимининг барча ўринbosарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда блогерлар иштирок этишди.

Кун тартибида битта масала туман ҳокими Ибрагимов Беҳзод Ибрагимовнинг туман ҳалқига мурожаати тингланди. Сессия илк бор ижтимоий тармоқларда тўғридан-тўғри жонли эфирда (online) трансляция қилинди.

Туман ҳокими ўз маъruzасида 2021 йил ҳамда охирги беш йил ичидаги амалга оширилган ишлар, соҳалар ва тармоқлар кесимида эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Сессия қатнашчилари ҳамда журналист ва блогерлар ўзларининг қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб, тегишли жавоб олдилар.

2021-12-24 08:56:52